

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,  
2021.

<b>А.Акбаров</b>	
Хайнрих Хайне ва аёллар.....	94
<b>Г.Орипова</b>	
Ўзбек шеъриятида ижорий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
<b>О.Барзиев</b>	
Фарона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик турқумлар.....	108
<b>Д.Турдалиев</b>	
Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
<b>Ю.Каримова</b>	
“Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
<b>Д. Муратова</b>	
ХХ аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оиласвий қадриятлар тасвири.....	127

---

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамажонов, А.Саминов</b>	
Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
<b>М.Мамажонов</b>	
Диалогик дискурсда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
<b>Р.Ахророва</b>	
Ўзбек ва француз типларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
<b>Х.Қодирова</b>	
Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шакланган айrim лақаблар.....	148
<b>Х.Дўсматов</b>	
Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
<b>Ш.Шокиров, Д.Қозоқбоева</b>	
Инглиз тилида “ear – қулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
<b>Т.Яндашова</b>	
Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
<b>Г.Тожиева</b>	
Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
<b>З.Раджабова</b>	
Ўқув фразеографияси лексикографиянинг маҳсус бўлими сифатида.....	173

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Х.Турсунов, Ю.Минаматов, И.Мўминов</b>	
Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишининг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
<b>М.Каримова, З.Арипов, М.Оламова</b>	
Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
<b>С.Умаров</b>	
Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
<b>С.Аъзамов</b>	
Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

ТИЛШУНОСЛИК

УДК: 412

**СҮЗ БИРИКМАСИ ҚИСМЛАРИДА СЕМАНТИК МУТАНОСИБЛИК ВА  
НОМУТАНОСИБЛИК**  
**СЕМАНТИЧЕСКОЕ СОГЛАСОВАНИЕ И НЕСОГЛАСОВАНИЕ ЧАСТЕЙ**  
**СЛОВОСОЧЕТАНИЯ**  
**SEMANTIC AGREEMENT AND DISAGREEMENT IN PARTS OF WORD**  
**COMBINATIONS**

Алижон Мамажонов<sup>1</sup>, Абдумалик Саминов<sup>2</sup>

**1Алижон Мамажонов**

– Фарғона давлат университети, филология фанлари доктори, профессор.

**2Абдумалик Саминов**

– Фарғона давлат университети, таянч докторант.

**Аннотация**

Мақолада сўз биримаси қисмлари орасидаги семантик мутаносиблик ва номутаносиблик ҳақида фикр юритилади.

**Аннотация**

В статье раскрывается семантическое согласование и несогласование частей словосочетания.

**Annotation**

*In this article semantic agreement and disagreement of word combination parts is elaborated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** оксюморон, ғайриодатий биримка, синтактик қолип, валентлик, семантик муносабат, семантик мутаносиблик, семантик номутаносиблик.

**Ключевые слова и выражения:** оксюморон, необычное сочетание, синтаксическая модель, валентность, семантическое отношение, семантическое согласование, семантическое несогласование.

**Key words and expressions:** oxymoron, unusual compound phrases, syntactic pattern, valency, semantic relation, semantic agreement, semantic disagreement.

Тилшуносликда шакл ва мазмун муносабати масаласининг ўрганилиши муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Тил тараққиётининг энг қадимги даврларидан сўз ва унинг маъноси, шакл ва тушунча ўртасидаги мутаносиблик тўғрисида баҳс давом этиб келади. Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида даврлар ўтиши билан, муттасил ўзгариб, янгиланиб, сайқалланиб туриши табиий жараёндир. Бу жараёнда тилнинг шакл ва маъно томонлари бир-биридан қолишмаган ҳолда, ўзгаришга учрайди. Шаклий томонидаги ўзгаришларнинг тобора ортиб бориши, мазмуний майдон жиҳатидан кенгайиши тил турли соҳаларининг юзага келишига олиб келади. Натижада нутқ бирлигининг қандай мақсадда шакллантирил - ганлигини тўғри изоҳлаш қийинлашади. Сўзлар маъносидаги ўзгаришлар янги маъно қирраларнинг пайдо бўлиши, маъноларнинг кенгайиши, кўчим

турларининг ривожланиши нутқ жараёнини тўла-тўқис, ёрқинроқ ёритиб беришни талаб этадиган зарурӣ ҳолатдир.

Бундай жараёнларни чуқур таҳлил қилиш нутқимизни ихчамлаштиришга, тушунарли ва таъсирили бўлишига хизмат қиласди.

Нутқда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши ўз-ўзидан содир бўлмай, тушунчалар ўртасидаги қайсиидир жиҳатдан боғлиқлик эътиборга олинади. Ҳар бир сўзнинг пайдо бўлишида унинг шакли ва маъноси ўзаро үйғунликка эга бўлади: *мёва, ширин, пахта* каби.

Сўзларнинг обьектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг номини ва улар ҳақидаги тасаввур тушунчаларни ифодалаши уларнинг луғавий маъноси ҳисобланади. Масалан, нарсани: *китоб, уй, тош; белгини: оқ, қизил, катта, баланд; миқдорни: кўп, оз; харакатни:*

*ўқимоқ, йиғламоқ, кулмоқ; ҳолатни: тез, секин, охиста каби.*

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихий тараққиёт натижасида сўзларнинг луғавий маъносига қўшимча кўчма маънолар ҳам юклана боради. Кўчма маъно фақат нутқ жараёнида англанади, яъни контекстда намоён бўлади. Сўзлар контекстдан ажратиб олинса, ўзининг асл луғавий маъносига қандай тушунчани ифодалаган бўлса, ўша маънони ифодалайди.

Сўзларнинг бундай маънолари лексикология билан узвий боғлиқ бўлса, сўзларнинг нутқ жараёнидаги бошқа маънолари синтаксис бирлик таркибида

яқол намоён бўлади ҳамда синтаксис бўлимидаги ўрганилади.

Нутқда сўзлар бир-бири билан боғланиши натижасида сўз бирикмаси, гап каби синтактик бирликлар ҳосил бўлади. Бунда маълум грамматик меъёрларга амал қилиш лозим бўлади. Сўзлар ўзаро боғланганда, тўғри келган ҳар қандай икки сўз бир-бири билан бирикавермайди.

Грамматик меъёр сўзларнинг ўзаро бирикиши учун тегишли шароитларни тақозо этади. Аввало, маъноларда муштараклик бўлмаса, сўзлар боғлана олмайди[1: 77.]. Масалан, қиёслаймиз:

*Ёмғир ёғалоқ, ям-яшил ўтлоқ,  
Энди экинлар чиқарар қулоқ.  
Яшинасин дала, очилсин лола,  
Тоғлар қўйнида мисли шалола. (Халқ оғзаки ижодидан)*

*Юртим бўйлаб уйғонган баҳор,  
Юрагимда ёшарган севги.  
Тоғларда ҳам эримоқда қор,  
Кўзларимда ям-яшил кулги. (Турсун Али)*

Биринчи шеърий парчадаги ям-яшил ўтлоқ бирикмаси грамматик меъёрга мос одатий бирикма, аммо иккинчи шеърий парчадаги ям-яшил кулги эса грамматик меъёрга мос эмас, яъни ғайриодатий бирикма ҳисобланади. Чунки ям-яшил кулги бирикмасида яшил сўзи (сариқ билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўлган ранг)[6:126.] маъносини билдириб, кўз билан кўриш имконияти мавжуд нарсанинг белгисини, рангини билдиради, кулги сўзи эса (юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товушлар билан хурсандлигини, заев-шавқини ифодаламоқ, кулги ифодаламоқ)[4:426.] кўз билан кўриш имкони йўқ бўлган ҳодисанинг номини билдиради, соvuқ сукунат бирикмасида ҳам шундай ҳолат ифодаланган, шунинг учун бу бирикмалардаги қисмларнинг грамматик табиатида ҳам мутаносиблик йўқ.

Сўз бирикмаси ҳамда гап таркибида ўзаро бирикаётган сўзлар, аввало, грамматик ва семантик жиҳатдан бир-бирига мос бўлиши керак. Тилшунос

олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, валентлик номи билан юритиладиган бу зарурият, айниқса, синтаксисда, синтактик меъёрларнинг шаклланишида фавқулодда аҳамиятга молиқдир.[1: 70]. Масалан: ўқимоқ ва мактуб сўзларини олиб кўрайлик. Бу сўзлар мактубни ўқимоқ, мактуб ўқимоқ шаклида боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қиласди. Чунки уларни умумий сема бирлаштиради, яъни мактуб сўзининг маъноси “ёзилган; хат, нома; бирор кишига ёзиб юборилган хат, нома” [4:532], ўқимоқ сўзининг маъноси “сўз, жумла, гап, матн ва ш.к. нинг ёзма шаклини оғзаки ифодаламоқ” [6:190.] бўлиб, “фикрни ифодалаш” умумий маъно уларнинг боғланиши учун имконият яратади. Бу каби бирикмалар таркибидаги қисмлар бир-бирига маъно жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, семантик мутаносиблик асосида бириккан.

Бадиий нутқда сўзларнинг ўзаро боғланиш қонуниятлари адабий тилдагига қараганда бирмунча ўзига хос тарзда кечади. Сўзларнинг ўзаро бирикиш

## ТИЛШУНОСЛИК

чегаралари кенгаяди. Чунки бадиий нутқда сўзларни кўчма маънода қўллаш тенденцияси жуда кучли. Сўзлар кўчма маънода қўлланганда эса уларнинг боғланишидаги чекланишлар деярли йўқолади.[1:78.]

Нутқ жараёнида ифодаланаётган сўзлардаги кўчма маъно сўзнинг ўз маъноси билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун сўзларни нутқда кўчма маънода қўллаш турли бадиий усул-воситаларни ҳосил қиласди. Масалан: ирония (киноя), метафора, метонимия, синекдоха, парадокс, антифразис, оксюморон, гипербола, литота, ўхшатиш, эвфемизм, аллюзия, энантиосемия, полисемия, омонимия, синонимия, синкетизм ва бошқалар.

Тилимиздаги бундай усул-ходисаларнинг кўп қисми нутқда бирикмали шаклда ифода этилади. Бирикмали шаклда қўлланиладиган услубий воситалардан бири оксюморондир. Оксюморонни шакллантирувчи компонентлар ҳам, асосан, кўчма маънода қўлланилади. Чунки оксюморонлар ҳақида тилшуносликка оид луғатлардан маълумки, оксюморонлар бир-бирининг маъносини инкор қилувчи, мантиқан бир-бирига зид бўлган сўзлардан ташкил топади. Шундай экан, бу қисмларнинг бири ёки ҳар иккиси кўчма маънода бўлади. Сўзларнинг боғланишига эътибор қаратсан, улар грамматик ва семантик жиҳатдан узвий боғланган бўлади. Оксюморон усулида эса бундай мутаносиблик бузилган, яъни семантик уйғунлик йўқолган бўлади. Лекин шунга қарамай, оксюморонлар нутқимизнинг мазмундор, ҳиссиётга бой, экспрессив бўлишини ҳамда ўзгача ифодани ёритиб беришга хизмат қиласди.

Оксюморон компонентлари ўз ёки кўчма маънода қўлланилишига кўра, турли хил бўлади, яъни баъзан бир хил оксюморонларнинг қисмларидан бири кўчма маънода қўлланилувчи бирикмалар, баъзан эса ҳар иккى қисми кўчма маънода қўлланилувчи бирикмалар ёки ҳар иккى қисми ўз маъносида қўлланилувчи бирикмалар. Бундай ифодаланишига кўра, оксюморонларни куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Қисмларидан бири кўчма, иккинчиси ўз маъносида қўлланилган оксюморонлар: *бошсиз одам, бақирган сукунат, гўзал йиғламоқ*;

2. Ҳар иккى қисми ўз маъносида, лекин бир-бирига зидланган ҳолда биргалиқда кўчма маънода: *қадрдон бегона, маъюс жилмаймоқ*;

3. Ҳар иккى қисми кўчма маънода: *тирик мурда, қора қуёш, қора чақмоқ, олижаноб махлуқ*.

Юқоридаги каби оксюморонлар қисмлари чуқур семантик таҳлилдан ўтказилса, зидланиш янада ёрқинроқ кўринади.

**“Бошсиз одам”** оксюморонини А. Қаҳҳорнинг шу номли асари асосида таҳлил қилсан, “бошсиз” сўзи кўчма маънода қўлланганлигини кўрамиз. Чунки асар қаҳрамони Фахриддин ўзининг ақлсизлиги туфайли бирон ишни қилишдан олдин ўйлаб кўрмаслиги, отасининг айтган гапларини ҳам тўғри айта олмаслигини кўрсатиш учун муаллиф “ақлсиз”, яъни “бошсиз” сўзини кўллайди. Бундан ташқари, “ақлсиз одам” ва “бошсиз одам” бирикмалари маъно даражасига кўра, ўқувчининг фикрини тортишга ва уни фикрлашга ундаши билан фарқланиб туради.

**“Сукунат бақириғи”** оксюморонида ҳам сукунат сўзи ўз маъносида, “бақириқ” сўзи эса кўчма маънода ишлатилган. Чунки инсон сукунатли, сокинлик, жимлик муҳитига ёлғиз ўзи тушиб қолса, у жойдаги кўрқинчли ҳолат инсоннинг шовқинли, тўполонли жойда турганидан кўра ҳам ваҳималироқ бўлади. Ана шундай кўрқинчли ҳолатни тўла-тўқис ифодалаш учун ижодкор оксюморондан унумли фойдаланади.

*Поёни ўйқ куз оғушида*

*Қандай гўзал йиғлайди узум!*

*Шундай бўлар ҳақиқий йиғи,*

*Кўриб қўйгин,*

*Эй, ношуд кўзим! (Ш.Раҳмон)*

Юқоридаги мисолда ҳам шундай ҳолатни кузатишими мумкин. Гўзал йиғламоқ бирикмасида ифода материали *равиши+феълдан* иборат бўлган *ҳол+ҳолланмииш* қолипида шаклланган сўз бирикмасини кўрамиз, қисмларининг семантикасига эътибор қиласди бўлсан,

улар бир-бири билан зидланиш муносабатидаги сўзлар эканлигига гувоҳ бўламиз: *йигламоқ* лексемасида ғамалам, оғриқ, изтироб кабилар туфайли юзага келадиган руҳий ҳолатнинг кўз ёши ёки йифи товуш орқали ифодаланишини [4:272.] кўрамиз. Шундай экан, биз йигламоқни салбий ҳодиса, деб ҳисоблаймиз. Гўзал лексемаси эса жуда ҳам чиройли, хусндор, хушрўй; киши кўзини қувонтирадиган, кишини мафтун этадиган, завқлантирадиган; завқ-шавққа бой, серзавқ, унтилмас ҳолат [3:530.] маъноларни ифодалашга хизмат қиласди. Мана шу маъноларга кўра, гўзал, *йигламоқ* сўзлари бир-бири билан зидлик муносабатида туради. Аслида, гўзал лексемаси бирон-бир нарса ёки ҳодисанинг белгисини билдириш учун кўлланади. Юқоридаги мисолларда эса ҳаракатнинг белгисини билдириш учун хизмат қилмоқда, бу, унинг кўчма маънода қўлланилганини кўрсатади, шу билан бирга бирикаётган лексемаларнинг маъноларига кўра ўзаро номутаносиб - лигини кўрсатади.

Баъзан ҳолларда оксюморон усулини юзага чиқараётган лексемаларнинг ҳар иккиси ҳам ўз маъносида қўлланилиши мумкин, лекин бундай оксюморонларни ташкил этган қисмлар бир-бирига қарама-қарши қўйилган лексемалар боғланишидан иборат бўлади ҳамда биргалиқда ўзига хос такрорланмас маънонинг шакланишига туртки бўлади. Масалан:

**У ёруғ дунёда**

Тенги йўқ инсон, Қадрдон  
бегона, Ёвуз меҳрибон.

(М.Юсуф.)

Шеърий парчада қўлланилган “қадрдон бегона”, “ёвуз меҳрибон” каби оксюморонларнинг боғланишига эътибор қаратсанак: “қадрдон”, “бегона” лексемалари маъно жиҳатдан бури дўст, яқин киши, бир-бирини жуда қадрлайдиган шахслар, яна бури ўзига тегишли бўлмаган, бировга тегишли, яқин бўлмаган, нотаниш шахслар маъносини билдирган ҳолда, бир-бирига қарама-қарши муносабатдаги сўзлар ҳисобланади, лекин бу муносабат сўзларнинг бури аниқловчи, иккинчиси

аниқланмиш сифатида, яъни аниқловчи-аниқланмиш қолипида шаклланишига тўсқинлик қилмайди, балки бу боғланишидан янги бир маънони келтириб чиқариш учун хизмат қиласди.

Ёки қуйидаги лисоний далилни олиб қўрайлик: Кўзи Бўронда тўхтаб, унга тикилиб қолди. *Маъюс жилмайди*. [2:262]. Бу жумладаги маъюс жилмаймоқ бирикмаси ҳам ўзига хос маъномоҳиятига эгалиги билан оддий бирикмалардан ажралиб туради. Инсонда жилмайиш ҳолати қандай вазиятда рўй бериши ҳаммага маълум. Жилмаймоқ лексемаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланган: *кулимсирамоқ, табассум қилмоқ*.[4:86.]. Биламизки, инсон хурсанд бўлганида, кайфияти яхшилигида жилмаяди, кулади, табассум қиласди. *Маъюс* лексемасига эса “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳ берилади: *умидсизланган, руҳи тушган, ноумид, тушкун ҳолат; эзилган, ғамгин ҳолатли; хомуш*.[4:568.]. Кўриниб турибдики, келтирилган *маъюс* жилмаймоқ бирикмасида қисмлар ўзаро зидлик муносабатида, ҳар иккى қисм ҳам ўзига хос маънога эга, лекин уларнинг бирикишидан янги бир, учинчи бир янги маъно (ҳосила маъно) юзага келган.

Бундан ташқари, шундай ҳолатлар кузатилади, оксюморонларнинг ҳосил бўлишида иштирок этаётган қисмларнинг ҳар иккиси ҳам кўчма маънода қўлланилади, бундай оксюморонларда қисмлар орқали бирор нарса-ҳодисага ёки ҳаракат-ҳолатга ўхшатилади. Бундай ҳолатда қарама-қаршилик, зидлик муносабатлари яқол кўзга ташланади. Бу тарзда реаллашган нутқ кўринишида ўзига хос бетакрор ва тасвирий маъно воқеланган. Масалан:

Умид ишонч тилсимин очар,  
Умид баҳтга бошлайди ҳар дам.  
Умидсиздан нақд омад қочар,  
Тирик мурда – умидсиз одам.

(З.Обидов)

Ушбу нутқ парчасидаги *тирик мурда* оксюморони қисмларнинг таркибидаги лексемаларнинг семантикасида ҳам қарама-қаршилик, зидлик маъноси мавжуд: *тирик*

## ТИЛШУНОСЛИК

лексемаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қўйидагича изоҳланади: ўлмаган, ҳали яшаб турган; ҳаёт, барҳаёт; [5:109.], мурда лексемаси эса қўйидагича изоҳланади: ўлган; ўлик, жонсиз; ўлик кишининг жасади [4:644.]. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, тирик ҳамда мурда лексемалари кўчма маънода қўлланиб, нутқда услубий маъно ифодалашга хизмат қилган.

*Қўйида “Қора қуёш” достонидаги бирикмани ҳам таҳлилга тортамиз:*

Менга жуда азиз  
Унинг сиймоси,  
Бир қарасам,  
Йўқдек сира қиёси.  
У бир бағридарё,  
Бир бағритошдир,  
У бир **қуёш**,  
Аммо -  
Қора қуёшдир! (М.Юсуф)

Шоир “Қора қуёш” оксюморонида асар қаҳрамонининг салбий қаҳрамон эканлигини очиб беришга ҳаракат қилган. Тўғри, қаҳрамон қуёш каби қудратли, лекин қуёш сингари халқпарвар, инсониятга фойда келтира оладиган ижобий қаҳрамон эмаслигини қора лексемаси ёрдамида кўрсатиб

берган. Қора ва қуёш лексемалари кўчма маънода қўлланиб, ғайриодатий бирикма – қора қуёш оксюморонини ҳосил қилган.

Кўриниб турибдики, шоир қуёш рангини одатий “сарик” эмас, “қора” рангда ифодалаб, қаҳрамон характерхусусиятидаги салбий томонларни усталик билан “Қора қуёшдир!” деган таъкид орқали оксюморон ифодалашга эришган.

Хуллас, оксюморонлар шаклан оддий сўз бирикмаси кўринишида шаклланса-да, семантик жиҳатдан ўзига хос бўлади. Оддий сўз бирикмасида қисмлар маъноси жиҳатдан бир-бiri билан мутаносиб равишда боғланади, оксюморонда эса бу мутаносиблик бузилиб, номутаносиблик асосий ўринга кўтарилади. Бу, айниқса, бадии нутқда асар қаҳрамонлари ёки образларнинг характерли белгиларини очиб беришда қулаи услубий воситалардан бири ҳисобланади. Оксюморон усулида шаклланган бирикмалар ғайриодатий бўлиб, фикрни таъсирли ва стилистик жиҳатдан бўёқдор, ифодали тарзда ифодалашда самарали услубий восита ҳисобланади.

### Адабиётлар:

1. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти: талабалар учун дарслик. 2-нашр – Т.: Алишер Навоий номидаги “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти, 2009 й.
2. Тоҳир Малик. Ёлғон умидлар дашти. Роман. –Т.: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. .
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. - 5 жилдлик, 1-жилд.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. , 5 жилдлик, 2-жилд
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Т, 2006 . - 5 жилдлик, 4-жилд .
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006. - 5 жилдлик, 5-жилд .